



**ARTICLE INFO**

Received: 18<sup>th</sup> April 2026

Accepted: 26<sup>th</sup> April 2026

Online: 27<sup>th</sup> April 2026

**KEYWORDS**

*Pre-investigation check, procedural time limits, forensic examination, audit, cybercrime, procedural suspension institution, criminal procedural law.*

**«LEGAL GROUNDS FOR EXTENDING PRE-  
INVESTIGATION CHECK PERIODS AND PROCEDURAL  
GUARANTEES FOR THEIR COMPLIANCE»**

**Kahhorov Giyos Siddiq ugli**

Master's student of the faculty of  
"International Human Rights Law"  
at the Law Enforcement Academy

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19817738>

**ABSTRACT**

*This scientific study analyzes the legal foundations for extending the duration of pre-investigation checks in the criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan, as well as current practical challenges. The research examines the content of Article 329 of the Criminal Procedure Code, along with normative legal acts related to the timeframes of forensic examinations, audits, and other complex investigative actions.*

*The study primarily focuses on the issue of insufficiency of pre-investigation time limits. It provides a scientific justification of problems such as the prolonged duration of forensic examinations and audits, the complexity of analyzing digital evidence in cybercrime cases, and the imbalance between different procedural actions. Additionally, the limited effectiveness of the current practice of extending time limits is critically evaluated.*

*Within the framework of the research, two main scientific proposals are put forward: extending the pre-investigation period up to two months, and, more importantly, introducing an institution for the temporary suspension of pre-investigation proceedings in cases where complex forensic examinations or audits are appointed. Based on the conducted analysis, the second approach is substantiated as more effective and preferable.*

*The practical significance of the study lies in its proposals aimed at improving the institution of pre-investigation checks, enhancing the quality of procedural decisions, and ensuring more effective protection of human rights.*

**«ПРАВОВЫЕ ОСНОВАНИЯ ПРОДЛЕНИЯ СРОКОВ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ  
ПРОВЕРКИ И ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ГАРАНТИИ ИХ СОБЛЮДЕНИЯ»**

**Каххоров Гиёс Сиддик угли**

Магистрант факультета

«Международное право прав человека»



**ARTICLE INFO**

Received: 18<sup>th</sup> April 2026

Accepted: 26<sup>th</sup> April 2026

Online: 27<sup>th</sup> April 2026

**KEYWORDS**

Доследственная  
проверка,  
процессуальные сроки,  
экспертиза, ревизия,  
киберпреступления,  
институт  
процессуального  
приостановления,  
уголовно-  
процессуальное право.

**ABSTRACT**

*В данной научной работе проанализированы правовые основания продления сроков доследственной проверки в уголовно-процессуальном законодательстве Республики Узбекистан, а также актуальные проблемы, возникающие на практике. В исследовании изучено содержание статьи 329 Уголовно-процессуального кодекса, а также нормативно-правовые акты, связанные со сроками проведения судебных экспертиз, ревизий и иных сложных проверочных действий.*

*В работе основное внимание уделено проблеме недостаточности сроков доследственной проверки, научно обоснованы такие факторы, как длительность проведения экспертиз и ревизий, сложность анализа цифровых доказательств по киберпреступлениям, а также несоразмерность между процессуальными действиями. Также раскрыта ограниченная эффективность практики продления сроков.*

*В рамках исследования выдвинуты два основных научных предложения: продление срока доследственной проверки до двух месяцев, а также, что наиболее важно, введение института временного приостановления доследственной проверки в случаях назначения сложных экспертиз и ревизий. На основе научного анализа обосновано преимущество второго подхода.*

*Практическая значимость работы заключается в том, что она содержит предложения, направленные на совершенствование института доследственной проверки, повышение качества процессуальных решений и обеспечение надежной защиты прав человека.*

**«ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ МУДДАТЛАРИНИ  
УЗАЙТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРГА РИОЯ  
ЭТИЛИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИ»**

**Қаҳҳоров Ғиёс Сиддиқ ўғли**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
магистратура босқичи Инсон ҳуқуқларига оид  
халқаро ҳуқуқ йўналиши талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19817738>



**ARTICLE INFO**

Received: 18<sup>th</sup> April 2026

Accepted: 26<sup>th</sup> April 2026

Online: 27<sup>th</sup> April 2026

**KEYWORDS**

Терговга қадар текширув, процессуал муддатлар, экспертиза, тафтиш, кибержиноятлар, процессуал тўхтатиш институти, жиноят-процессуал ҳуқуқ.

**ABSTRACT**

*Ушбу илмий ишда Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув муддатларини узайтиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда амалиётда учраётган долзарб муаммолар таҳлил қилинган. Тадқиқотда Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси мазмуни, шунингдек суд экспертизалари, тафтиш ва бошқа мураккаб текширув ҳаракатларининг муддатлари билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилган.*

*Ишда асосий эътибор терговга қадар текширув муддатларининг етарли эмаслиги муаммосига қаратилган бўлиб, экспертиза ва тафтиш жараёнларининг узоқ давом этиши, кибержиноятлар бўйича рақамли далилларни таҳлил қилишнинг мураккаблиги ҳамда процессуал ҳаракатлар ўртасидаги номуносиблик илмий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, муддатни узайтириш амалиётининг чекланган самарадорлиги очиб берилган.*

*Тадқиқот доирасида икки асосий илмий таклиф илгари сурилган: терговга қадар текширув муддатини икки ойгача узайтириш ва энг муҳими, мураккаб экспертиза ва тафтиш тайинланган ҳолларда терговга қадар текширувни вақтинча тўхтатиб туриш институтини жорий этиш. Илмий таҳлиллар асосида иккинчи ёндашув устувор эканлиги асослаб берилган.*

*Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, у терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш, процессуал қарорлар сифатини ошириш ва инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган таклифларни ўз ичига олади.*

Ҳозирги глобаллашув ва рақамлаштириш шароитида жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Айниқса, ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши кибержиноятлар сони ва турларининг ортишига олиб келмоқда. Ушбу ҳолат

жиноятчиликнинг янги, мураккаб ва яширин шакллари вужудга келтириб, уларни фож этиш ва ҳақиқатни аниқлаш жараёнларини сезиларли даражада қийинлаштирмоқда.

2026 йил 12 март куни “Уюшган жиноятчилик ва кибержиноятларга қарши курашишни



такомиллаштириш” масалаларига бағишланган йиғилишда таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатда кибержиноятлар кескин ўсиш тенденциясини намоён этмоқда. Хусусан, сўнгги олти йил давомида кибержиноятлар бўйича мурожаатлар сони **48** бараварга ошгани, ўтган йилда содир этилган фирибгарлик жиноятларининг **82** фоизи ва ўғирлик жиноятларининг **76** фоизи айнан кибермаконда содир этилгани қайд этилган. Шунингдек, мазкур жиноятлар натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарар ҳажми **2** триллион сўмдан ортиқни ташкил этгани ушбу соҳадаги муаммоларнинг нақадар долзарб эканини яққол намоён этади.

Юридик адабиётларда қайд этилганидек, замонавий жиноятчилик “технологик жиҳатдан ривожланган ва трансмиллий хусусият касб этган мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса” сифатида тавсифланади. Шу нуқтаи назардан, жиноят-процессуал фаолиятнинг дастлабки босқичи ҳисобланган терговга қадар текширув жараёни ҳам янги талаблар ва ёндашувларни талаб этмоқда.

Илмий манбаларда таъкидланишича, терговга қадар текширув босқичи “жиноят ишини кўзғатиш учун етарли асосларни шакллантирувчи муҳим филтер механизми” сифатида намоён бўлади. Ушбу босқичда қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилиги кўп жиҳатдан текширувнинг қай даражада тўлиқ,

холисона ва ўз вақтида амалга оширилганлигига боғлиқ.

Шу билан бирга, процессуал муддатлар масаласи ҳуқуқшунос олимлар томонидан алоҳида аҳамиятга эга институт сифатида баҳоланади. Илмий адабиётларда процессуал муддатлар икки томонлама ҳуқуқий табиатга эга институт сифатида талқин қилинади: бир томондан, улар процесс иштирокчиларининг **ҳуқуқларини кафолатласа**, иккинчи томондан, давлат органлари фаолиятини **чеклайди ва тартибга солади.**”

Замонавий шароитда жиноятларнинг мураккаблашуви, айниқса кибержиноятлар бўйича далилларни тўплаш ва таҳлил қилишнинг қийинлиги, терговга қадар текширув муддатларини узайтириш заруратини юзага келтирмоқда. Бироқ, муддатларнинг асоссиз узайтирилиши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказиши, одил судлов принципларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, терговга қадар текширув муддатларини узайтиришда қонун нормаларининг бир хил талқин қилинмаслиги, узайтириш асосларининг етарлича аниқ эмаслиги ҳамда назорат механизмларининг самарадорлиги пастлиги каби муаммолар мавжуд. Бу эса мазкур институтни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва такомиллаштириш заруратини белгилайди.

Шу нуқтаи назардан, терговга қадар текширув муддатларини



узайтиришнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ҳамда уларга риоя этилишининг самарали процессуал кафолатларини ишлаб чиқиш долзарб илмий вазифалардан бири ҳисобланади.

Терговга қадар текширув муддатларини узайтириш институти жиноят-процессуал ҳуқуқ тизимида муҳим ўрин тутди. Ушбу институт текширувни тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона ўтказиш имкониятини яратишга хизмат қилади. Бироқ, унинг амалий қўлланилишида бир қатор ҳуқуқий ва ташкилий муаммолар мавжуд бўлиб, улар мазкур босқичнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига мувофиқ, терговга қадар текширув белгиланган умумий муддатларда амалга оширилиши лозим бўлиб, алоҳида ҳолатларда ушбу муддат прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин.

Шунингдек, қонунда **“ўтказилиши учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлиши;”** муддат узайтиришга асослардан бири сифатида кўрсатилган.

Терговга қадар текширувнинг энг муҳим ва вақт талаб қиладиган қисми — бу экспертиза тайинлаш ва уни ўтказиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.02.2023 йилдаги 73-сон қарорига мувофиқ, суд экспертизалари, уларнинг ҳажми ва мураккаблигига қараб, одатда **30 кунгача** муддатда амалга оширилади.

Бироқ, экспертиза **30 кун** ичида яқунланиши мумкин бўлмаган ҳолларда, асослантирилган тартибда **қўшимча муддат** белгиланиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 10.01.2024 йилдаги 3488-сон буйруғига асосан, суд-компьютер-техникавий экспертизалари қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- ❖ оддий ҳолатларда — **24** соат;
- ❖ ўрта мураккабликда — **70** соат;
- ❖ мураккаб ҳолатларда — **130** соат;

Айрим ҳолларда эса экспертиза ҳажми ва объектлар сонига қараб **30 кундан** ортиқ муддатга ҳам узайтирилиши мумкин.

Бундан ташқари, ЖКнинг 97,116,104-моддаларида кўрсатилган жиноят аломатлари бор йўқлигини аниқлаш мақсадида, учун иш учун аҳамиятга молик бўлган ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир нечта эксперт текширувини ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда комплекс экспертиза ёки комиссиявий экспертиза тайинлаш зарурати юзага келади, бу эса, қўшимча **30 кун** муддат талаб этади.

ЖПКга мувофиқ, тафтиш ўтказиш муддати 30 календар кунни ташкил этади. Зарур ҳолларда ушбу муддат яна узайтирилиши мумкин.

Айниқса, йирик корхоналар ва давлат ташкилотларида молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш кўп вақт талаб қилади. Бу эса терговга қадар текширув босқичининг чўзилиб кетишига олиб келади.

Демак, қонунчилик экспертиза ҳамда тафтиш муддатини



чегараламайди, балки унинг мураккаблигига қараб узайтириш имконини беради.

Айнан шу ерда асосий ҳуқуқий муаммо юзага келади — **муддатлар ўртасида номутаносиблик**. Яъни, экспертиза қонуний равишда 30 кундан ортиқ давом этиши мумкин, қўшимча тафтиш, комиссиявий ва комплекс экспертизалар ҳам қўшимча вақт талаб қилади. Бироқ, терговга қадар текширувнинг умумий чегараси кўп ҳолларда ушбу жараёнларни тўлиқ қамраб олмайди.

Мазкур номутаносибликнинг энг муҳим оқибати шундан иборатки, терговга қадар текширув бўйича **қарор қабул қилишда ҳуқуқий таваккалчилик йўл қўйилади**. Бу эса, жиноят ишини асоссиз қўзғатилиши ёки жиноят иши қўзғатишни асоссиз рад этишлиши, етарли далиллар шаклланмасдан қарор қабул қилиниши эҳтимолини оширади.

Юқоридаги қайд этилган ҳолатлар сабабли, терговга қадар текширувни амалга оширувчи ваколатли органлар фаолиятида, қўшимча тайинланган экспертиза ёки тафтиш натижасини олгунга қадар жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, текширув натижаси олингандан сўнг, қабул қилинган қарорни бекор қилиб, суний равишда яна **бир ой муддат** хосил қилиш амалиёт тусига кирган. Бу эса ўз навбатида, терговга қадар текширув ҳужжатлари бўйича раҳбарий назоратни йўқолишига ҳамда иш ҳужжатлари маъсул ходимнинг қўлида ойлаб қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Чунки, терговга қадар текширув натижаси бўйича яқуний қарор қабул қилиниб, дастурга киритилгандан сўнг, ҳужжат назоратдан ечилади.

Айнан шу муаммо терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш, муддатларни қайта кўриб чиқиш ва процессуал кафолатларни кучайтириш заруратини юзага келтиради.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ, терговга қадар текширув муддати айрим ҳолларда прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин. Мазкур механизмнинг мақсади — мураккаб процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун қўшимча вақт яратишдир.

Илмий таҳлиллар шуни кўрсатдики, муддатни **1,5 - 2** ойгача узайтириш таклифи (яъни текширув муддатини умумий равишда икки баробарга ошириш) муаммони тўлиқ ҳал қилмайди.

Экспертиза, тафтиш ва комиссиявий текширувлар кўп ҳолларда 30 кун ва ундан ортиқ давом этади. Демак, узайтирилган муддат ичида ҳам барча процессуал ҳаракатлар параллел равишда эмас, балки экспертиза ва бошқа текширув натижалари олингандан сўнг кейинги процессуал ҳаракатлар амалга оширилади. Текширув “фаол ҳаракат” даври эмас, балки “кутиш даври”га айланиб қолиши мумкин.

Демак, муддатни шунчаки узайтириш институти муаммони сифат жиҳатдан ҳал этмайди, балки уни фақат кечиктиради.

Илмий нуқтаи назардан энг мақбул ва самарали ёндашув



сифатида **терговга қадар текширувни вақтинча тўхтатиб туриш институтини жорий этиш** таклиф қилинади.

Терговга қадар текширув қуйидаги ҳолатларда тўхтатиб турилиши лозим:

- Мураккаб экспертиза тайинланган ва у узоқ муддат талаб этса;
- Қайта молиявий тафтиш амалга оширилаётган бўлса;
- Комиссиявий ёки қайта экспертиза ўтказилаётган бўлса, натижалар олинмагунча процессуал қарор қабул қилиш имкони мавжуд бўлмаса.

Бу ҳолатларда текширув “ҳаракатсиз давр”га эмас, балки **расмий процессуал танаффус ҳолатига** ўтказилиши лозим. Чунки, барча терговга қадар текширув ҳаракатлари амалга оширилиб, фақатгина мутахассис хулосаси зарур ҳолатларда, бошқа процессуал ҳаракатлар амалга оширилмасдан текширув натижалари кутилади.

Шу нуқтаи назардан, тўхтатиб туриш институти - вақтни самарали бошқариш, процессуал ҳаракатларнинг сунъий чўзилишини олдини олиш, қарор қабул қилиш сифатини ошириш ҳамда раҳбарий назоратни сақлаб қолиш имконини беради.

Терговга қадар текширув ҳаракати **муддатни узайтириш ва тўхтатиб туриш** ёндашувларини қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, **муддатни узайтиришда** текширув давом этади, экспертиза натижаси келмаслиги мумкин, шу сабабли, “сунъий узайтириш” хавфи сақланади.

**Текширувни тўхтатиб туришда эса**, процессуал ҳаракатлар фақат зарур босқичда амалга оширилади, вақт фақат реал текширувга сарфланади, қарор қабул қилиш асосланган далиллар йиғилганидан кейин тикланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги муаллифлик таклифи илгари сурилади:

Терговга қадар текширув муддатини шунчаки узайтириш эмас, балки мураккаб экспертиза, тафтиш ва комплекс текширувлар тайинланган ҳолларда терговга қадар текширувни процессуал тарзда вақтинча тўхтатиб туриш институтини жорий этиш ҳамда раҳбарий назоратни сақлаб қолиш мақсадида терговга қадар текширув ҳужжатларини назорат қилувчи дастурга “терговга қадар текширув ҳаракатини тўхтатиш” ячейкасини қўшиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

### References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.02.2023 й. 73-сон қарори «Суд экспертизаларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида». – Тошкент.



5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 10.01.2024 й. 3488-сон буйруғи «Суд-компьютер-техникавий экспертизаларни ўтказиш тартиби тўғрисида». – Тошкент.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари (жиноят ишларини кўриб чиқиш амалиётига оид). – Тошкент.
7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси идоравий норматив ҳужжатлари (терговга қадар текширувни ташкил этишга оид). – Тошкент.
8. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022.
9. Раҳмонов Ф., Абдурахмонов А. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик. – Тошкент: Адолат, 2021.
10. Рустамбаев М.Х. Жиноят-процессуал ҳуқуқ. – Тошкент: Юристар нашриёти, 2020.
11. Головкин Л.В. Уголовный процесс: учебник. – Москва: Норма, 2021.
12. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс. – Москва: Проспект, 2020.
13. Ashworth A., Redmayne M. The Criminal Process. – Oxford: Oxford University Press, 2019.
14. Sprack J. A Practical Approach to Criminal Procedure. – Oxford: Oxford University Press, 2020.
15. Бекназаров И.Ж. Жиноят-процессуал муддатлар институти: назария ва амалиёт. – Тошкент, 2021.
16. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) (қонун ҳужжатлари миллий базаси).
17. [www.sud.uz](http://www.sud.uz) (Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайти).
18. [www.prokuratura.uz](http://www.prokuratura.uz) (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси расмий сайти)